



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 56 (13.903)

Баҳоси эркин нарҳда

ДУНЁ БАҲШИЛАРИ НАВОЛАРИ АМУДАРЁ УЗРА ТАРАЛМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО БАҲШИЧИЛИК САҢЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам фестивал иштирокчилари! Қадрли дўстлар! Хонимлар ва жаноблар! Аввало, сиз, азизлар билан жонажон Ўзбекистонимизда, гўзал Сурхондарё заминиди кўришиб турганимдан бахтиёрман.

Барчангизни Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг тантанали очилиши билан чин юракдан муборакбод этаман.

Юртимизда биринчи бор ўтказилаётган ушбу санъат байрамида дунёнинг 74 та давлатидан 160 дан зиёд вакиллар қатнашмоқда. Уларнинг орасида атоқли маданият арбоблари, фольклор санъати намояндлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари борлиги бизга катта мамнуният этказди.

Бугунги фестивалимизда иштирок этаётган ҳурматли меҳмонларимиз: ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани бошқармаси бошлиғи Андрей Шувалов, Ислам ҳамкорлик ташкилотининг тузилмаси – АЙСЕКОнинг Маданият бўйича директори Рихати Салиха, Жаҳон ҳунармандлар кенгаши Осиё ва Тинч океани минтақаси раҳбари Гада Рида Хижжавига, Қирғиз Республикаси Президентининг маслахатчиси Султанбай Раевга, Қозғистон Республикаси Маданият ва спорт вазирлиги вазирининг ўринбосари Курбанмурат Мирралиевга, Афғонистон Ислам Республикасининг Балх вилояти ҳокими Муҳаммад Исҳоқ Раҳгузар ва бошқа хорижий дўстларимизга чўқур ташаккур иборат этишга ижозат бергайсиз.

Сиз, муҳтарам меҳмонларимизни биз халқимиз ва маданиятимизнинг ақин дўстлари сифатида қабул қиламиз. Бугун эл-юртимиз номидан барчангизга самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни билдираман.

Ўзбекистонга хуш келибсизлар! Азиз дўстлар!

Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари энг аввало ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мўжассам топгани ҳаммаимизга яхши маълум. Турли халқларнинг миллий ўзлигини, уларнинг тили ва ҳаёт тарзини, айна ва урф-одатларини ифода этадиган бахшичилик санъати умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадрлидир.

Жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу насаби, тарихий индизлари, олижаноб идеаллари бир эканини, бинобарин, турли миллат ва эл вакилларининг келажак сари интилишлари ҳам муштарак эканини англатади.

Айни вақтда ҳозирги глобаллашув даврида, тижорат воситасига айланган "оммавий маданият", шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кўчаиб бораётган мураккаб замонда ҳар қандай миллий маданиятнинг бўлуғи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш, афсуски, сусайиб бораётгани ҳам сир эмас. Ҳолбуки, фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу – инсониятнинг болалик кўшиғидир.

Мана шундай ноёб ва буюк санъат бугунги кунда шунчаки маданий ёдгорлик намунасига айланиб, кўп жойларда унутилиб кетаётгани, ҳимоя ва муҳофазага муҳтож бўлиб тургани – бу ҳам давримизнинг аччиқ ҳақиқатидир. Бу ҳақиқат ушбу гўзал ва бетакрор санъатнинг чинакам фидойилари сифатида сиз, азизларни ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишга солаётганига ишонаман.

Шу сабабли тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш муҳтож санъатни, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол этиқазиб жаҳондаги илғор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг, давлат ва жамоат арбоблари, барча маданият ахлининг эзгу бурчидир.

Шу маънода, биз халқ ижодиётини, турли ўлкаларда бахши, жиро, оқин, манасчи, шоир, ошк каби номлар билан аталадиган, ўз тимсолида ҳам шоирлик, ҳам соҳнадалик, ҳам хонадалик маҳоратини мўжассам этадиган инсонларнинг нодир истеъдодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур. Бугун ўз ишини бошла-

ётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали айни шундай улкан ва муҳим мақсадга қаратилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бу борада, аввало, бахшичилик санъатининг илмий-назарий ва амалий асосларини чўқур ўрганиш ва мустаҳкамлаш, уни миллий маданиятнинг ўзига хос "ташриф қоғози"га айлантириш учун биргаликда жиддий иш олиб боришимиз керак.

Хусусан, бахшичилик соҳасида шаклланган ижодий мактаблар, "устоз – шогирд" аъналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш, бахши-шоирлар, фольклоршунос олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг ижодий ва илмий фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш, маданият ва санъат муассасалари қошида бахшичилик тўғрисидаги таълим ва тадқиқот марказларини яратиш, телевидение ва интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш, фольклор асарларининг аудио ва видео вариантларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бугун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, эртага, афсуски, кеч бўлади, келгуси авлодлар, тарих бизни кечирмайди.

Бу борада Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Юртимизда халқ ижодиётини асраб-авайлаш ва юксалтириш мақсадида машҳур "Алпомиш" достонининг минг йиллиги кенг нишонланди. Бугун биз тўпгани турган мана шу гўзал майдонда бу улғу бадиий обиди шарафига мухташам ҳайкал ўрнатилди. Самарқанд шаҳрида атоқли бахшиларимиз хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди. Давлатимиз томонидан "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони таъсис қилинди.

Термиз шаҳрида янги ташкил этилган бахшилар мактабиди, республикамиздаги болалар мусика ва санъат мактабларидида юзлаб ёшларимиз миллий фольклор санъатини меҳр қўйиб ўрганмоқдалар. Юртимизда 100 томлиқ "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" мажмуаси нашр этилмоқда. Унинг 59 қисми айнан халқ достонларидан иборат эканини қайд этиш лозим. Шунингдек, кўп томлиқ "Қорақалпоқ фольклори" тўплами ҳам чоп этилди. Буларнинг барчаси ушбу нодир санъат маънавий ҳаётимызда бениҳоя муҳим ўрин туттиришдан далолат беради.

Шу билан бирга, бахши-шоирлар томонидан ижро этилаётган асарларни ёзиб олиш, уларни илмий ўрганиш ишлари мунтазам давом этмоқда. Соҳага оид китоб ва альбомлар, фильмлар ва телекўрсатувлар яратилмоқда. Бахшиларимиз халқаро кўрик-танловларда, хорижий давлатларда ўтказилаётган Ўзбекистон маданияти кунларида муносиб иштирок этиб келаётгани эл-юртимизни мамнун қилади.

Албатта, бундай ютуқлар ўз-ўзидан, бўм-бўш заминда пайдо бўлган эмас.

Ўзбек бахшичилик мактаби дунёга Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислам шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Бола бахши, Эсемурат жирос, Шерна бахши, Мардонқул Авлиёқул ўғли, Қодир бахши Раҳимов сингари машҳур намояндларини бергани билан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Бугунги кунда ана шу ижодий аъналар уларнинг издошлари бўлмиш Шомурод Тогаев, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Қаҳҳор ва Абдумурод Раҳимовлар, Қаландар бахши, Гулнара Аллембергенова, Ғайратдин Отемуратов, Шодмон Хўжамбердиев, Илхом Норов каби ўнлаб истеъдодли ижрочилар томонидан янада бойитилмоқда.

Ушбу кувончли айёмда бахшичилик санъатини илмий ўрганишдек муҳим ишга катта ҳисса қўшган атоқли шоир Ҳамид Олимов, Ҳоди Зариф, Музаляна Алаева, Мансур Афзалов, Буюк Каримий, Зубайда Хусайнова сингари фан арбобларининг хотирасини ҳурмат билан ёд-

этамиз. Бугун уларнинг ишларини муносиб давом эттираётган Тўра Мирзаев, Жалғас Хушнӣёзов, Сафарбой Рўзимбоев, Шомирза Турдимов, Маматқул Жўраев, Тоштемир Турдиев, Жаббор Эшонқулов ва бошқа жонқуяр олимларимизнинг номларини миннатдорлик билан тилга оламиз.

Айни пайтда ўзбек миллий фольклор санъатини чуқур ўрганиб, уни дунё миқёсида кенг тарғиб этиб келаётган корейлик Инг-Ёнг О, германиялик Карл Райхли, туркиялик Фикрат Туркман, Селама Фидакор сингари хорижий олимларга самимий раҳмат айтаман.

Қадрли фестивал иштирокчилари! Биз ушбу нуфузли анжумани айнан кўча ва навқирон Сурхон ўлкасида ўтказиётганимиз бежиз эмас, албатта.

Сурхондарё деганда, аввало, улғу азиз-авлиёлар, алломаларга ватан бўлган, мард ва олижаноб, ориятли эл яшайдиган табаррук замин кўз ўнгимизда намоён бўлади. Кўча Зараутош ва Тешиктош ёрлари, Боботог ва Бойсундаги петроглиф расмлар, Бақтрия ва Кушон каби давлатлар, Далварзинтепа, Кампиртепа, Холмаён сингари ноёб ёдгорликлар бу заминдаги қадимий цивилизация ва маданиятдан гувоҳлик беради.

Воҳанинг гўзал табиятини, Олтинсой, Сангардак, Хонжизза, Сайроб, Дарбанд каби сулув ғўшаларини бир бора кўрган, бепоён қир-адирларда бахшилардан достон ва термалар тинглаган инсон бу днёрга умрбод мафтун бўлиб қолади. Сурхондарё – азалдан бахшилар юрти сифатида ном қозонган. Мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Хоразм вилоятлари билан бир қаторда Сурхондарё, хусусан, Шеробод достончилик мактаби бутун минтақамизда маълум ва машҳур.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Сурхондарё Ўзбекистоннинг энг обод ҳудудларидан бирига, замонавий илм-фан, маданият ва туризм масканига, мана энди халқаро бахшичилик санъати марказига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Санъат ва мусиқани чин дилдан севадидан, ижод аҳлини юксак қадрлайдиган Сурхон эли ушбу анжумани катта шоду хуррамлик билан қутиб олмақда.

Бугунги давримизда жаҳоннинг узоқ ва яқин мамлакатларидан ташриф буюрган ўнлаб машҳур бахшилар, фольклор тургурулари, соҳанинг жонқуяр намояндларини кўриб турганимиздан гоят хурсандимиз.

Келинлар, азиз дўстлар, уларни чин қалбимиздан қўтлаб, барчаларига ижодий ютуқлар тилаб, ҳурмат ва олқишларимизни иборат этайлик!

Ҳурматли юртдошлар! Азиз меҳмонлар! Сизларнинг иштирокингизда очилаётган ушбу фестивал дунёдаги энг нуфузли санъат анжумани қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллайди, деб ишонаман.

Бахшилар нафақат халқ ўтмишининг акс-садо-си, айни пайтда бугунги куннинг ҳам жарангдор овозидир.

Гўзал юртимиз ҳаёти билан танишган сиз, азизлар ўз фикр ва тўғйуларингиз ҳақида, бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз, унинг маданияти ва бетакрор қадриятлари ҳақида янги-янги қўшиқ ва достонлар яратишингизга тилақдоримиз.

Фестивал доирасида ўтказилаётган халқаро илмий-амалий конференция ишига ҳам муваффақиятлар тилайман. Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотларнинг вакилларига самимий миннатдорлик билдираман.

Азиз ватандошлар! Бугунги санъат ва нафосат байрами баланд савияда ўтказиш учун астойдил меҳнат қилган барча-барча инсонларга, меҳмондўст ва олижаноб Сурхондарё аҳлига чин юракдан ташаккур билдиришга руҳсат этгайсиз. Барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, янги ютуқлар ёр бўлсин! Эътиборингиз учун раҳмат.



Хабар қилинганидек, Термиз шаҳрида 6 апрель куни Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Жаҳон тамаддуни бешикларидан бири бўлган қадимий Термиз миллий руҳда байрамона безатилган. Нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда илк марта ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивалига пухта ҳозирлик қўрилгани Ўзбекистоннинг жанубдаги гавҳари бўлган қадимий ва навқирон ушбу шаҳарга ўзгача шуқуҳ ва тароват бағишлаган.

Сўлим бог-роғлар, хибоблар, кўча ва майдонларда қадимда шаклланиб, асрлар давомида сайқал топган миллий қадрият ва урф-одатларимиз, бахшиларимиз сиймолари акс этган паннолар ўрнатилган.

Жаҳоннинг турли минтақаларидан келган меҳмонлар юзидидаги кувонч ва самимий муносабат Сурхондарё воҳасида миллий ўзгичимизни кенг намоён этадиган, дунё халқларини қадим қадриятларини улғулашга қорлайдиган, ягона мақсад, ягона маслак сари бирлаштирадиган улғу байрам бошланаётганидан дарак беради.

Асрлар давомида ҳаётнинг турли синовларидан ўтган бу қадимий юртининг юксалиш йўлларига гувоҳ бўлиб келаётган Амурдарё бўйига оқшом кўчиди. Мухташам Санъат саройи худудидаги 32 гектарлик майдонда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг ўтмишдаги турмуш тарзи ҳамда бугунги обод ва фаровон ҳаёти ўз ифодасини топган этнографик шаҳарча барпо этилган.

Шаҳарчадаги мўъжаз сахналарда театрлаштирилган томошалар, фольклор-этнографик жамоаларининг чиқишлари намоёний этилмоқда. Хорижлик сайёҳлар ҳунармандлар кўргазма-ярмаркаларида қадимий сўзана ва либослар, гиламлар, миллий чолғулар, сопол буюмлар намуналарини билан танишиш, юртимизнинг туризм салоҳиятига бағишланган меҳмон уйларида оилавий маросимларни кўриш имконига эга бўлади.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори ва ушбу санъат анжуманини Термиз шаҳрида ўтказиш бора-сидаги ташаббусидан кейин вилоят марказида қисқа фурсатда улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, 80 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига Термиз аэропортининг янги биноси курилди. Термиз темир йўл вокзали тубдан таъмирланиб, меҳмонлар учун янада қулай шарт-шароит яратилди.

Икки йилда бир марта ташкил этиладиган фестивалнинг асосий тадбирлари ўтадиган Санъат саройи худудида замонавий йиғма сахна барпо этилиб, кенг майдонга халқимизнинг улғу маънавий обидиси – "Алпомиш" достони шарафига муаззам ҳайкал ўрнатилди.

Соат 18.40. Термиз, мухташам Санъат саройи майдони. Маҳобатли амфитеатр тегра-сида иштирокчи давлатлар байроқлари хиллирайди. Саҳна ортда ўзига хос декорацияда қад кўтарган Қўштанг тоғлари бизни хаёлан Алпомиш замонага етаклайди.

Анжуман иштирокчилари ва томошабинлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан қутиб олади. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилди.

Давлатимиз раҳбари фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, инсониятнинг буюк ва бебаҳо бойлиги эканини, мана шундай ноёб санъат айни пайтда шунчаки маданий ёдгорлик намунасига айланиб, кўп жойларда унутилиб кетаётгани, уни ҳимоя қилиш бугунги авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарз эканини таъкидлади.

Саҳнада сибизга овози янграйди. Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг очилишига бағишланган театрлаштирилган концерт дастури бошланади.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КЎЧМАС МУЛКА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республика-мизда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги давлат хизматлари сифатини яхшилашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги давлат хизматлари кўрсатиш тизimini янада такомиллаштириш уларнинг теъкорлиги ва фойдаланиш имкониятларини ошири-ши, давлат органлари фаолиятининг шаффофлигига эришишни ва хизматлардан фойдаланув-чиларга ахборот хизмати кўрсати-шни яхшилашни тақозо этмоқ-да.

Ахборот-коммуникация техно-логияларини фаол жорий этиш, тегишли тизимларни давлат органларининг электрон маълум-отлар базаларига интеграция қилиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнини соддалашти-ришнинг асосий устувор йўна-лишлари ҳисобланади.

Кўрсатилаётган давлат хизмат-лари сифатини ошириш, кўчмас мулкни сотишда ортиқча тартиб-таомилларни қисқартириш, гео-дезия ва ер кадастри соҳасига тадбиркорлик субъектларини жалб этиш, рақамли иқтисодиёт-ни ривожлантириш, шунингдек,

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимо-ий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида-ги вазифаларни бажаришни таъ-минлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, карто-графия ва давлат кадастри дав-лат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Марказий банк ҳамда Давлат ак-тивларини бошқариш агентлиги-нинг:

(Давоми 2-бетда)



• Бухорода БМТ томонидан рўйхатга олинган ҳукуматларо ташкилот – Халқаро ипакчилик комиссияси (ХИК) Ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу йирик тадбирда ХИК Бош қотиби бошчилигидаги делегация, Ҳиндистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари, шунингдек, ХИКга аъзо мамлакатлар – Ҳиндистон, Япония, Руминия, Бангладеш, Озарбайжон каби давлатларнинг Ипак саноати ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. • Хоразм вилоятида "Хоразмга инвестиция киритинг" шиори

остида халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди. Биринчи бор ўтказилган форумда Хитой, Россия, Франция, Саудия Арабистони, Малайзия, Озарбайжон, Баҳрайн, Туркменистон каби дунёнинг 20 дан ортиқ давлатидан 100 дан зиёд компания вакиллари иштирок этди. Шунингдек, форумда БМТ Тараққиёт дастури-нинг Ўзбекистондаги ваколатхо-наси ва Европа тиклиниш ва тараққиёт банки вакиллари қатнаш-ди.

• Наманган вилоятида умумтаълим муассасаларининг чет тиллари ўқитувчилари касб маҳорати-ни ошириш мақсадида "Таъ-лимда инновация" республика саммити ўтказилди. Саммитда республикамизнинг барча вило-ятлари, Тошкент шаҳри ва Қора-қалпоғистон Республикасидан фаол ва ташаббускор инглиз тили фани ўқитувчилари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитув-чилари иштирок этди.



• Африкада иқлим ўзгаришларининг зарарли ҳолатларини бартараф этишга қирқ етти миллиард долларлик маблағ сарфланадиган бўлди. Шундан йигирма етти мил-лиард долларини Африка Тараққи-ёт банки, қолганини эса Жаҳон бан-ки ажратади. Ушбу маблағ асосан қайта тикланадиган энергия манба-ларини ишлаб чиқариш ва жорий этишга сарфланади. Мазкур дастур биринчи навбатда Эфиопия, Руан-да ва Кенияда татбиқ этилади.

• Гонконгда ўтказилган ким ошди савдоларида Ботсвана жа-нубидан қазиб олинган 242 карат-ли тошдан ишланган 80,22 карат-ли овал шаклидаги ноёб оқ олмос япониялик коллекционер томонидан 12 миллион долларга сотиб олинди. "Сотбис" аукцион-идаги барча қўшимча тўловлар ҳисоб-китобидан сўнг олмоснинг нархи 14 миллион долларга етди.



ДУНЁ БАХШИЛАРИ НАВОЛАРИ АМУДАРЁ УЗРА ТАРАЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Концерт дастури изчил ривожланиб борадиган композиция, урта асосий бўғиндан иборат ўзига хос яхлит дoston асосига қурилган. Ранг-баранг бахшичилик санъати, мумтоз мақомлар ва замонавий оҳанглар уй-ғунлашган наволар, халқ дostonларидан парчалар, нафис термалар янграйди. "Алломиш" дostonи воқеалари гавдалантирилган театрлаштирилган томошалар намойиш этилади.

Президентимиз гоёси асосида Алломиш ва Барчиноилар юртида ўтказилаётган халқаро фестивал ўтмишда ҳам маданияти, санъати ва илм-фани юксак даражада ривож топган Ўзбекистонни жаҳонга танитишда янги саҳифа очиб бераётгани биз, бахшиларга ўзгача руҳ ва илҳом бағишлади, – дейди Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов. – Минг йиллардан бунён яшаб келаётган ноёб санъатимизни ҳозирги глобаллашув даврида ўз ҳолича асраб, келгуси авлодларга безавол етказишга алоҳида эътибор қаратаётган давлатимиздан беҳад миннатдоримиз. Биласизми, бахшичиликнинг энг шарафли ва масъулиятли жиҳати шундаки, бир дostonни бошидан охиригача куйлаш учун унинг ҳажмига қараб, бир кундан беш кунгача вақт керак бўлади. Мен ўзим севиб куйлайдиган "Алломиш" дostonини уч кечаю кундузда мукамал айтиб бера оламан. Бу фестивалда биз дунёнинг турли давлатларидан келган ана шундай чечан жирова, оқин, манасчи, тўлчи, узан ва бошқа бахшилар билан баҳслашамиз.

Фольклоршунослар фикрича, мамлакатимизда қадимдан уч йўналишда дostonчилик мактаби ривожланган. Булунғур, Нарпай, Нурота, Қўрғон, Шахрисабз, Қамай, Шеробод мактаблари биринчи йўналишга, Хоразм дostonчилик мактаби иккинчи йўналишга мансубдир. Учинчи йўналиш Фарғона водийсида кенг тарқалган. Бу санъатнинг ўзига хос жиҳати шундаки, биринчи йўналишда бахшилар дostonларни дўмбира жўрлигида бўғиз овозда, Хоразм ва Фарғона йўналишларида тор, дутор ва бошқа мусиқа асбоблари билан очик овозда куйлаб келган.

Нафис миллий маънавий бойлигимизни чуқур тарғиб қилаётган бахши-шоирлар хизматини муносиб рағбатлантириш мақсадида "Ўзбекистон халқ бахшиси" унвони таъсис этилди. Ўтган йилларда мамлакатимизда 28 бахши-шоир "Ўзбекистон халқ бахшиси" унвони билан тақдирланди. Уларнинг тўққиз нафари сурхондарёлик экани, бир нафар ёш бахши "Нихол" мукофоти совриндори бўлгани ҳам соҳа фидойиларига қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси дор.

Қорақалпоғистонда жировчилик ва бахшичилик икки йўналишда ривожланган, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси халқ жирови Бахбергён Сиримбетов. – Жировлар қаҳрамонлик, ботирликни авж пардаларда куйласа, бахшиларимиз ишк-муҳаббат ҳақида дostonлар айтган. Иккала мактабда ҳам жаҳон эпик меросининг ноёб хазинасини бойитган нафис дostonлар яратилган. Бугунги кунда ҳар икки йўналиш бўйича бахши-жировларимиз "устоз-шоғирд" аъёналарини давом эттирмоқда. Мазкур фестивал қорақалпоқ бахши-жировлари оҳангларини дунёга баралла таратишда катта имконият яратмоқда.

Кейинги йилларда бахшичилик санъатини янги босқичда ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йили Термиз шаҳрида ташкил этилган Бахшилар мактаби ва туманлардаги мусиқа ва санъат мактаблари ҳузурида фаолият юритаётган бахшилар синфларида 100 дан ортик истеъдодли ёш таҳсил олаётгани бунга яққол мисолдир. Мазкур таълим муассасаларида ўқибтган ёшларнинг вилоятда ўтказилаётган кўрик-танлов ва фестивалларда фаол иштирок этиб, ўз истеъдодини намойиш этаётгани кекса авлод вақилларида фахр-ифтихор туйғусини юксалтирмоқда. Халқ оғзаки ижодида ёш авлоднинг бундай интилиши хорижлик меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани бежиз эмас.

Мен дунёнинг турли давлатларига бориб, турк бахшичилиги намуналарини ижро этаман. Ўзбекистонга биринчи келишим. Дунёнинг ҳали бирор мамлакатда бахшиларга бу қадар катта эътибор қаратилганини кўрмаганман, – дейди туркиялик бахши (озан) Зеки Эрдали. – Термиз Бахшилар мактаби ҳақида эшитдим. У ерда ўқувчиларга халқ бахшилари дарс бера экан. Бу ҳавас қилишга арзийди. Ўртингизда бахшичиликни келгуси авлодларга етказиш йўлида қўйилган пойдевор бошқа халқлар учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Термиз шаҳрида илк марта ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали 74 давлатдан 160 дан зиёд иштирокчини Алломиш юртига қорлагани бежиз эмас. Фестивалда ЮНЕСКО, Ислон ҳамкорлик ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – ISESCO каби нуфузли халқаро ташкилотлар, шунингдек, Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон каби давлатлардан фахрий меҳмонлар иштирок этаётгани унинг юксак мақоми ва нуфуздан далолатдир.

Фестиваль доирасида Термиз шаҳрида хорижий ва маҳаллий олимлар иштирокида "Бахшичилик санъатининг жаҳон цивилизациясида туган ўрни" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Германия, Франция, Россия, Хитой, Япония, Корея ва Туркия каби мамлакатлардан келган олимлар ўз маърузалари билан иштирок этди.

Меҳмонлар тadbир кунлари қадимий воҳанинг ноёб археологик ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишди. Дунёга машҳур Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Исо Термизий мажмуалари, Фаёзтепа, Кампиртепа сингари муқаддас қадамжоларни зиёрат қилади. Жойларда сайиллар, халқ оғзаки ижодида бағишланган сахналаштирилган дастурлар намойиш этилади.

Халқаро фестивал доирасида бўлиб ўтадиган кўрик-танловда 9 ёшдан 90 ёшгача бўлган бахши-ижодкорлар иштирок этади. Катнашчилар ижро этадиган дostonлардан парчалар, куй, нағма ва термалар халқаро ҳақамлар ҳайъати томонидан халқ оғзаки ижоди-



нинг асл миллий хусусиятлари, бадиий-эстетик жиҳатлари, ижрочилик маҳорати, сахна маданияти ва бошқа мезонлар бўйича баҳолаб борилади. Фолиб ва совриндорлар махсус диплом, ҳайкалча ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

...Сахнада мумтоз куй-кўшиқлар янграйди. Дўмбира, чанқовуз, кўбиз, кил каби созлар жўрлигида дostonлар ижро этилади. Бахши-жировларнинг ширали овози тadbир иштирокчиларига ўзгача завқ ушлади.

10 апрелга қадар давом этадиган санъат анжумани бахшичилик ва дostonчилик санъатининг қадимий намуналарини асраб-авайлаш ва келажак авлодга безавол етказишга хизмат қилади. Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтириб, гўзал, сержило ва тарихий-меъморий обидларига бой юртимиз қиёфасини жаҳонга кенг намойиш этишда муҳим омил бўлади. Ёшлар қалбида бебаҳо меросимизга ҳурматни кучайтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари ушбу нуфузли анжуман арафасида қуриб битказилган Термиз халқаро аэропортининг янги терминалини кўздан кечирди.

Кенг ва баланд қилиб қурилган, замонавий техникалар билан жиҳозланган ушбу терминал соатига 400 йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Божхона назорати, авиация хавфсизлиги ва багаж олиш жойларида тезкорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Қутиш заллари, СИР зоналари, она ва бола хоналари, намозхона, тиббий пункт ва бошқа бўлимларда йўловчиларнинг барча эҳтиёжлари инобатга олинган. Duty Free дўконлари, бепул Wi-Fi хизмати, чет эллик туристлар учун виза олиш сектори ташкил этилган.

Президентимиз терминалда яратилган шойчаларни маъқуллаб, энди бундан самарали фойдаланиш, халқаро рейслар ва чет эллик сайёҳлар оқимини қўлайтириш, хизмат кўрсатиш сифатига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Янги учиш-қўниш йўлагига барло этиш лойиҳаси бўйича кўрсатмалар берди.

дид билан безатилган.

Манбаларда қайд этилишича, сўлим ва сокин бу гўшада пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг қизлари Фотима онамининг бешинчи авлод набираси Ҳасан ал-Амир мангу кўним топган. Бу улуг зот Термиз саййидларининг султони бўлган.

Мутахассислар фикрича, Ҳасан ал-Амир ўз яқинлари билан Самарқандга кўчиб келган. Бу ерда ўн бир йил яшаб, Балхга кўчди. Тахминан 865 йилда Термизга келиб, яшаб қолган. Вафот этгач, шу ерда дафн этилган. Асрлар давомида ушбу мўътабар зотнинг авлодлари учун ҳам бу ерда маҳобатли макбаралар қурилган. Эндилқда меъморий обида мамлакатимиз ва хорижлик сайёҳлар кўп келадиган масканлардан бирига айланган. Улар пайғамбаримиз авлодларининг хокини зиёрат қилиб, руҳан қувват олади. Аждодларимиз томонидан турли асрларда яратилган бўртма равоқлар, сержило нақш ва тўлкинли ганч безаклари асосида юксак дид билан ишланган нафис меъморлик санъатидан баҳраманд бўлади.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, IX асрда юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Термиз саййидлари хонадони шаклланди. Марказий Осиё саййидларининг кўпчилиги ўз келиб чиқиш тарихини шу хонадон билан боғлаш бежиз эмас. Китобларда давлатлар бошқарувида, жумладан, Соҳибқирон Амир Темур салтанати ривожда Термиз саййидларининг алоҳида хизмати борлиги таъкидланган. Соҳибқирон Ҳиндистонга юришлари чоғида Ҳамиша Термиз саййидлари хонадонидан тўхтаб, меҳмон бўлгани қайд этилган. Яна бир манбада Амир Темур Термиз саййидларига алоҳида ҳурмат рамзи сифатида Султон Саодат мажмуасининг бир қисми ҳисобланган хонақоҳ ҳам бунёд этиргани, лекин ноёб иншоот бизнинг давримизгача сақланиб қолмагани ёзилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу қадамжони янада обод қилиш, Имом Бухорий, Зангиота каби зиёратчилар кўп ташриф буюрадиган масканга айлантириш, илмий жиҳатдан ўрганиш юзасидан кўрсатма берди.

Шавкат Мирзиёев Ҳаким ат-Термизий мақбарасини ҳам зиёрат қилди. Юртимизга тинчлик, қут-баракат тилаб дуо қилинди.

Бой тарихимиз, маданиятимиз, хусусан, меъморлик санъатимизни ўзида муҳассас этган мазкур макбаралар, кўтаринки руҳда ўтаётган бахшичилик фестивали юртимизнинг нуфузини асрлар оша янада юксалтиришга хизмат қилади.

Термиз шаҳрида ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали юқори савияда, кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Халқаро фестивалда юртимиз ва хорижлик фольклоршунослар, бахшилар, жирова ва оқинлар, санъаткорлар, ушбу санъат иҳлосмандлари билан бирга, жаҳоннинг кўпбал давлатларидан меҳмонлар иштирок этаётди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ва Сурхондарё вилояти туманларидан келадиган мухлислар ҳам фестивал доирасида ўтказилаётган тadbирларда фаол иштирок этмоқда. Этнографик шаҳарчалар билан танишмоқда.

Миллий қадриятларимиз ва ноёб санъатимиз кенг намойиш этилаётган фестивал нафақат хорижлик, балки маҳаллий иштирокчиларда ҳам олам-олам таассурот қолдирмоқда.

– Дostonчилик миллий ўзлгимизнинг бир бўлаги, нафис ва ноёб санъатимизнинг ўқ томиридир, – дейди Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги "Янги турмуш" фермер хўжалиги раҳбари А.Мажидов. – Болаларимизда биз кундузи ўқиб, ишлаб, тунлари дoston тинглаганимизни яхши эслаيمان. Негадир кейинги йилларда ёшларимизнинг бахшичилик санъатига қизиқиши сустайиб бораётган эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан айнан Алломишлар юртида бу аъёнани қайта тиклашга киришилган навқирон авлодди яна гўзал санъат билан ошно этади. Халқаро фестивал сабаб қанча ноёб дostonларимиз чоп этилди. Нуфузли тadbирда дунё бахшилари ўзаро баҳслашаётгани ёшларнинг бу йўналишга эътиборини кучайтиради. Дostonларимизни куйлаб келадиган бахшиларимиз билан яна бир бор фахрландим.

Халқаро фестивал доирасида миллий хунармандчилик бўюмлари, тасвирий санъат кўргазмалари, янги чоп этилган китоблар тақдими ўтказилаётди. Вилоят ҳудудидаги муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар ва бошқа диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилмоқда.

– Бу юртга биринчи марта келишим, – дейди жанубий корейлик профессор Парк Сёнг Йонг. – Узок ўтмишдан гувоҳлик бериб турган салобатли тарихий обидалар, гўзал ва хушманзара табиат, бетакрор санъат менда катта таассурот қолдирмоқда. Фаёзтепа ва Ҳаким ат-Термизийни зиёрат қилдим. Воҳода миллоддан аввалги биринчи асрларга доир буддизм ёдгорликларини кўриб, ҳайратим янада ошди. Ўзим номоддий маданий ёдгорликлар билан шуғулланаман. Бироқ бу ерда кўрганларим, ишонасизми, мен учун фантастика бўлиб туюлмоқда. Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимда шундай буюк санъатни асрлар давомида кўз қорачиғидек асраб келадиган халқнинг фидойилигига тан бердим.

Бахшичилик санъатининг Буюк ипак йўли кесишган нуқтасида кенг қулоқ ёзгани ва бу дурдоналарни тарғиб қилиш айнан шу юртда амалга оширилаётганида чуқур маъно бор. Бунинг дунёга таъсири жуда кучли бўлади. Бу фестивални аъёнаний ўтказиб туриш ёш авлоднинг миллий ўзлгини теран англашида муҳим ўрин тутди.

Фестиваль доирасида Халқаро бахшилар кўрик-танлови, хорижий ва маҳаллий санъаткорлар иштирокидаги кизиқарли концерт дастурлари ташкил этилмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Термиз шаҳрида ўтказилаётган
Халқаро бахшичилик санъати
фестивали доирасида "Жаҳон
цивилизациясида бахшичилик
санъатининг ўрни" мавзусида халқаро
илмий-амалий конференция бўлиб
ўтди.

ЖАҲОН ТАМАДУНИДА БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ЎРНИ

Унда маҳаллий ва хорижлик олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев ва бошқалар мамлакатимизда халқ оғзаки ижодини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга давлат даражасида қаратилаётган эътибор ноёб санъатимизни улуғлаб, халқимиз, айниқса, ёш авлодди Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги эзгу ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Анжуманда Франция, Болгария, Россия, Жанубий Корея, Молдова, Туркия, Эрон каби давлатлардан келган фольклоршунос олимлар, илмий тadbирчилик иштирокида бахшичилик ва дostonчилик санъатини ривожлантириш, халқ оғзаки ижоди дурдоналарининг Шарқ ва Ғарб маданияти, санъатидоғи ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, ўзбек ва бошқа халқлар дostonларини илмий ўрганиш, ўзаро ижодий ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

Халқаро конференцияда "Бахшиларнинг эстетик қарашлари", "Марказий Осиёда номоддий маданий мерос бўйича халқаро ҳамкорлик: минтақада ЮНЕСКО билан муштарак ишлар мисолида", "Жангар – "Жангар" қалмиқ қаҳрамонлик дostonи айтивчиси, сақловчиси ва оммалаштирувчиси", "Туркий эпосда дoston айтиш санъатининг бадиий ва вақтга оид контексти", "Мўғул ва ўзбек тилларидаги эпосларнинг терминологик томонлари", "Номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича конвенция рўйхатлари эпик мероси: Ўзбекистон эпик мерос элементлари", "Қирғиз элининг айтишуви санъати", "Подшоҳ ва Лала ёки Дахрил ва Зюфрем" гагауз дoston эпоси тиклашиши", "Тожиқларнинг эпик ижоди: ҳозирги ҳолати, сақлаш ва ривожланиш муаммолари" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Тўра Мирзаев, Жанубий корейлик Сеонг Йонг Пак, россиялик Василий Илларионов, қозғистонлик Шакир Ибраев ва бошқалар номоддий маданий мероснинг ҳаётимизда туган ўрни, халқларнинг миллий қадриятларини ривожлантириш ва ёш авлодди ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти хусусида атрофида фикр юритди. Аждодлардан мерос қолган халқ оғзаки ижодини ўрганиш ва ўргатиш юзасидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган беқийишларга юқори баҳо берилди.

– Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ўзбек бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга эътибор янада кучайтирилди, – дейди Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров. – Мазкур анжуман ҳам бахшилик ва дostonчилик санъатини ривожлантириш, бу борада ўзаро ижодий ҳамкорликни, маданий-маънавий алоқаларни халқаро миқёсда кенгайтиришга қаратилгани билан иштирокчиларда бой таассурот уйғотди.

Конференция иши "Бахшичилик аъёнаси тарихи, назарияси ва ижрочилик маҳорати", "Эпос – халқ маънавий меросининг дурдонаси сифатида", "Бахшичилик санъатининг ҳозирги ҳолати ва уни сақлаш муаммолари", "Эпик мерос этномусиқашунослик контекстида" каби мавзулардаги шўъба йиғилишларида давом эттирилди.

Марказий Осиёда қадимдан ривожланган халқ оғзаки ижоди минтақа халқларининг ҳаётий қарашларини муҳассас этган. Бахши-дostonчилик унинг энг муҳим тармоқларидан бўлиб, аждодларимизнинг қаҳрамонлик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат каби ғояларини тараннум этади. Ўзбекистон ҳудудида шаклланди бахшичилик мактаблари аъёналари минг йиллар давомида халқимизни эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашга хизмат қилган.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

– Мен Ўзбекистоннинг номоддий маданий мерос дурдоналари билан яқин танишман. Жаннатмакон бу юртда кўп марта бўлганман. Бахши, оқин ва жирова-ларнинг дostonларини маромига етказиб куйлаганини бу юртда жуда кўп марта тинглаб, ўзгача завқ-шавқ олганман, – дейди Франция Республикаси Илмий излашлар миллий маркази директори, профессор Жан Дюринг. – Бойсун туманида машҳур бахши Шоберди Болтаевнинг хошилари мени ўзига мафтун этган. Ўзбек бахшичилик санъати дунёда жуда ноёб йўналиш. Бахшиларнинг дostonларини бўғиз орқали куйлашдан ҳайратланаман. Тўғри, бизда ҳам халқ дostonлари бор. Лекин уларга бу даражада эътибор, қизиқиш йўқ. Мамлакатимизда дунё бахшилари ва соҳа мутахассислари жамланган бундай нуфузли халқаро фестивал ташкил этилганидан жуда хурсанд бўлдим. Албатта, бу бошқа мамлакатларга ҳам ибрат қилиб кўрсатишга арзийдиган ташаббус.

Халқаро илмий-амалий анжуман бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни ёш авлод онгу шурурга чуқур сингдиришдек эзгу ишларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

(ЎЗА)

9 апрель – Амир Темури таваллуди куни



Соҳибқирон Амир Темури ватанимиз тарихида тутган ўрни ва роли вақт ўтган сари ортиб бораверади. Унинг буюк тарихий хизматлари мангуликка дахлдор бўлиб, халқимизнинг қалбида асрлар оша яшайверади. Халқпарвар, адолатпарвар ҳукмдоргина ана шундай юксак номга сазовор бўлади.

Амир Темури ҳукмронлиги даврида Моваруннахр ҳар томонлама тараққий топди ва ривожланди. Халқ фаровонлиги, мамлакат ободончилиги, юрт тинчлиги йўлида Соҳибқирон тинимсиз меҳнат қилди. Халқ га ми билан яшайди. Шу боис, айнан шу даврда топталган ҳаёт, издан чиққан иқтисодий қайта жонланди ва ривожланди. Мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида ўзгаришлар юз берди. Улкан яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

нафари бекларбеги, амир ул-умаро мансабини олган. "Тузуқот"да маълум бўлишича, бу борада бекларнинг тажрибаси, фаросати, баҳодирлиги ва шижоати каби шахсий хислатлари ҳисобга олинган. "Тажрибамдан синаб билдимки, – дейди Амир Темури, – жангининг сир-асрорини, ганим аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, қўл-оёғи бўшашмасдан лашкар фавжларини жангга башлай оладиган, агар қўшун сафига раҳна тушса, уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва

АДОЛАТ – ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТ УСТУНИ

ҳукмронликка лойиқ ҳисобланади". Нуфузли амирлар барлос, аргин, жалоир, тулкин, дудлой, мўғул, сулдус, туғдой, қипчоқ, орлот, тотор қабилаларидан ва тархонлар орасидан сайланган. "Буларнинг барчаси тамғам сурати акс эттирилган муҳрим босилган (ҳужжат)га эга бўлиб, менга хос наварк бўлиб хизмат қилганлар", – дейди Амир Темури.

"Тузуқот"да яна бир муҳим нарсаси – ижтимоий-иқтисодий муносабатларга доир маълумотлардир. Асарда айтилишича, Амир Темури қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирилган рағбатлантирган. Бундай ишга қўл урганларга Амир Темури ҳукумати катта имтиёзлар берган. Бу ҳақда "Тузуқот"да қуйидагиларни ўқиймиз: "Биринчи йили ундан ҳеч нарсаси олмасинлар, иккинчи йили раият ўзи розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилсин". "Улик" ерларни ҳосилдор ерларга айлантириш шарт-шароитлари ҳақидаги кўрсатмалар ҳам диққатга сазовордир: "Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлсаю обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод

қилиб олсин. Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда қоризлар курсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига кўприклар солсинлар, йўл устида, ҳар бир манзилгоҳга рабоналар курсинлар".


Амир Темури замонида олиқ-солиқлар муайян тартибда белгиланган эди. Энг муҳими, ердан олинандиган хирож миқдори ҳам, чорвадан олинандиган солиқ миқдори ҳам белгиланган эди. Муҳосиллар (солиқ йиғувчилар)нинг фаолияти устидан назорат ўрнатилган. "Амр қилдимки, – дейилади "Тузуқот"да, – раиятдан мол-хирож йиғишда оғир аҳволга тушиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқ қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур, чунки раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашувига олиб келади. Хазинанинг гариб бўлиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг заифлашувига олиб боради".

Амир Темурида муҳим ажойиб хислат – қўл остидагиларнинг гуноҳини кечира олиш қобилиятига ҳам бўлган. Амир Темури эслайди: "Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру қилиб келган, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим". Шунини айтиш керакки, у жамиятдаги барча табақаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини эътиборга олган мардлар ва номардларга нисбатан алоҳида тартиб асосида иш юритган.

Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари ўзига хос бўлган қонунлар билан амалга оширилган. Бу эса ўз навбатида мустаҳкам, ягона тартиб мавжудлигини далолатдир. У тузган энг қудратли ва интизомли армия, қолаверса, Ватанга, халққа садоқат ҳар қандай тўсиқларни мардондор енгиб ўтишда муҳим омили бўлган. Шу боис ҳам, унинг ҳарбий санъати ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ана шундай ҳарбий маҳорат билан ёвуз кучлар устидан галаба қозонди.

Соҳибқирон барпо этган қудратли давлат, армия, ҳуқуқ-тартибот тизимини ўрганishi ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Амир Темурининг бетақор қобилияти, унинг амалга оширган барча ишлари ҳаётимизнинг турли жабҳаларида муҳим тажриба бўлиб хизмат қилаверади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, буюк бобокалонимизнинг инсоният тарихидаги улкан хизматлари жаҳон аҳли томонидан кенг эътироф этилди.

Ҳаким АЗИМОВ, тарих фанлари номзоди, доцент



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ҲАЙРЛИДИР

Бошингда ота-онанг борми, бахтсизман дейишга ҳаққинг йўқ.

Ҳар қандай ёмон одамда ҳам қандайдир яхши фазилатлар бўлади.

Бахтнинг ҳам қаноти бор.

Кўнглингга келганини эмас, қўлингдан келганини қил.

Бирни биров берса, мингни меҳнат беради.

Қарз қиёматга қолмайди.

Ишласанг бир ерга сиғасан, ишласанг йўқ.

Бировники буюрмас.

Ёмон билан ёқалашиб обрў ололмайсан.

Эр ўғли – эл ўғли.

Кимнинг аслида кимлигини бир оғиз сўзидан билса бўлади.

Нимадандир воз кечмай нимагадир эришиб бўлмайди.

Кўпнинг кўпига кўп.

Кўпни кўриш кифоя қилмайди, кўпни билиш керак.

Одамнинг тафтини одам олади.

Ҳурматини билмаган ҳурматини йўқотади.

Йўл эгри бўлса ҳам сен тўғри юр.

Сен ташласанг, оладиган топилади.

Ҳазилни қил билганга, қўшилишиб қулганга.

Ҳамсонинг оши ширин.

Пулинг етмаган молга харидор бўлма.

Эркак – дунёнинг эгаси, Аёл – дунёнинг бекаси.

Югурган куруқ қолмайди.

Ҳечдан кўра кеч ҳам маъқул.

Ношукрлик одамни емиради.

БУЮК ЖАСОРАТ СОҲИБИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 683 йиллигига бағишлаб тадбир ўтказилди.

Амир Темури ва temuрийларнинг дунё цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси, ўша даврда яратилган кўплаб бадиий, публицистик асарлар ва илмий тадқиқотлар ҳақида фикр юритилди. Бундай асарлар Соҳибқирон шахсияти, уни улғайтирган замин, ўша даврга оид янги маъ-

лумотлардан воқиф бўлишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбир доирасида миллий ҳунармандчилик кўргазмаси ташкил этилди. Халқ ўйинлари, Амир Темури даврини эслатувчи композициялар намойиши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Зарина РУСТАМОВА

АЖДОДЛАР ЁДИ БАРҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтидан "Амир Темури – марказлашган давлат асосчиси" мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар, профессор-ўқитувчилар, курсантлар иштирок этган мулоқотда Соҳибқирон Амир Темури бобомиз нафақат ўз даврида энг қудратли давлат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, балки дунё цивилизацияси ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк шахс экани таъкидланди. Буюк ва бой тарихимизда ўзининг юксак маънавияти, инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан доврў қозонган Амир Темури шахсига бўлган кизиқиш, эҳтиром ва эътибор тобора ор-

тиб бораётгани алоҳида қайд этилди. "Мардлик ва донишмандлик соҳибини", "Амир Темурининг туғилиши ва тахтга келиши", "Соҳибқироннинг юришлари ва унинг мақсадлари", "Темурийлар империяси" ҳамда "Соҳибқирон Амир Темурига қилинаётган эҳтиром" каби мавзуларда рус, инглиз, хитой ва немис тилларида маърузалар тингланди.

Курсантлар ижросида намойиш этилган тарихий сахна кўринишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Г. БОБОВА, ЎЗА муҳбири

БАРЧАСИ ЁШЛАРНИНГ КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳар ИИББ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда дастурхон ёзилиб, баҳорий таом – сумалак ва ош пиширилди. Тадбирда мутасадди ташкилот вакиллари иштирок этиб, юртимизда ёшларнинг камолоти йўлида амалга оширилаётган ишларни эътироф этиб, берилган имконият, шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш муҳимлигини таъкидлаб ўтишди.

Вояга етмаганлар ва 23-сонли Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари томонидан тайёрланган сахна кўринишлари намойиш этилди.

Кўшиқлар ва лапарлар айтилди, тадбир иштирокчилари ҳамда меҳмонларига кўк сомса, ош тортилди.

Бу тадбир келажагимиз бўлган вояга етмаганларни кўнглини кўтариш, уларнинг қалбида меҳр уйғотиш ва юртимизнинг келгусидаги равақига ўз ҳиссасини қўшишда дахлдорлик туйғусини шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР БЕЛЛАШДИ

Тошкент архитектура-қурилиш институтининг бино ва иншоотлар факультетида талабаларнинг фаол иштирокида сумалак сайли ўтказилди.

Тадбирни институт ректори Равшан Ҳакимов очганидан кейин турли-туман мусобақалар, танловлар, викториналар ташкил этилди. Жумладан, талабалар кўшиқлар айтиб, рақсга тушишди, баҳор ва уйғониш фасли ҳақидаги шеърлар ўқиди.

Сўнг тўртта факультет талабалари ўртасида ҳазил-мутойиба тарзида қувноқлар ва зукколар баҳси, ҳар хил кўнгилочар тадбирлар уюштирилди. Танловлар якунида ҳар бир командага, ғолибларга, яхши ўқиган талабалар ва ишда намуна кўрсат-

ган ходимларга фахрий ёрлиқлар топширилди. Ҳушовоз хонандалардан Авазбек Алимов, Анвар Собиров, эстрада ва цирк коллели ўқувчиларининг чиқишлари тадбирга ўзгача файз бағишладди.

(Ўз муҳбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 2/5-дахаси, 1а-уй, 23-хонадон эгаси Холмирзаев Тулкин Турсунмуратович номига туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бободоҳон кўчаси, 22-уй эгаси Касимов Мирқамил Джалилович номига туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Олмазор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Олмазор тумани, Марказ-22, 36-уй, 8-хонадон учун Бабаханов Жамол Хасанович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат техника университети томонидан 2018 йилда Хуррамов Хамид Кўчмович номига берилган № 0741 рақамли рейтинг дафтари ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ВА "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзили-миз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 9 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 9 апрель кунини ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғиб, момақалдироқ бўлади. Шарқдан гарба йўналишини ўзгартирган шамол секунди-га 5-10, кучайган ҳолда 12-

17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 13-15, кундузи – 17-19 даража илқ бўлади.

Узидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 9 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

TOШКЕНТ ОҚШОМИ
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г.4-46

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиққди
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
2142 нускада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари буичча турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 16.00